

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 18 » сентябрь 20 18 у.

№ 738

Toshkent sh.

**Ахолини фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўтган йиллар давомида ахолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари (кейинги ўринларда фармацевтика маҳсулотлари деб аталади) билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳукукий база мустаҳкамланди, фармацевтика маҳсулотларини тарқатиш ва реализация қилиш тизими йўлга кўйилди, дори воситаларининг эркин муомаласини таъминлаш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, амалдаги ҳукуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ахолини ва даволаш-профилактика муассасаларини сифатли ҳамда арzon фармацевтика маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилувчи қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан:

биринчи, фармацевтика маҳсулотларини амалдаги қоғоз шаклида ҳисобга олиш ва ҳисботи тизими фармацевтика ҳисобини юритишининг замонавий талабларига мос келмайди, бюджет маблагларининг мақсадсиз фойдаланишни тезкор аниқлаш ва суиистеъмол ҳолатларининг олдини олиш имконини бермайди;

иккинчи, мажбурий идентификациялаш механизмининг мавжуд эмаслиги давлат тиббиёт муассасалари томонидан фармацевтика маҳсулотларини сотиб олиш ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумот олишда қийинчилик туғдирмоқда;

учинчи, чекка худудларда жойлашган давлат тиббиёт муассасаларида инфратузилманинг етарлича ривожланмагани, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари суст жорий этилаётгани фармацевтика маҳсулотларини ҳисобга олиш ва ҳисботининг замонавий инновацион усулларини қўллаш имконини бермайди;

тўртинчи, республикада фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини давлат томонидан назорат қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги сертификатлаштирилмаган ва контрафакт фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва уларнинг муомалада бўлишининг олдини олишга тўсқинлик қилмоқда.

Фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини тубдан такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасаларини сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан ўз вақтида таъминлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган фармацевтика маҳсулотлари ҳақида батафсил ахборот, шу жумладан товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етказиб бериш жараёнида иштирок этувчи ишлаб чиқарувчилар ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (тури, номи, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа) тўғрисидаги маълумотларни йигишни таъминлайдиган;

фармацевтика маҳсулотларини махсус маркалашнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу маҳсулотлар ҳаракатини автоматлаштирилган ҳолда кузатиш ҳамда ҳисобга олиш имконини берадиган;

дорихоналардан олиш учун асос бўладиган электрон рецепт орқали фармацевтика маҳсулотларини шифокорлар томонидан тайинлаш тизимини жорий қилиш имкониятини берадиган “Электрон хукумат” тизимига кирувчи ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари, шу жумладан ишлаб чиқилаётган “Соғлиқни сақлаш” комплекси билан келгусида интеграциялаштиришни назарда тутадиган фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими (кейинги ўринларда Ахборот тизими деб аталади) тажриба шаклини яратиш ва 2019 йил 1 июлдан жорий қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича буормачи функцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юкланди;

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, шу жумладан ахборотлаштириш обьектини ўрганиш, техник ва лойиҳаолди ҳужжатларни тайёрлаш “UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-куватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ (кейинги ўринларда “Ягона интегратор” МЧЖ деб аталади) томонидан амалга оширилади;

Ахборот тизими ва маълумотларни қайта ишлаш марказини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, техник қўллаб-куватлаш ва модернизация қилишга масъуль бўлган оператор функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига юкланди;

Ахборот тизимининг тажриба шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази базасида синовдан ўтказилади;

Ахборот тизимидан фойдаланганлик учун тушадиган маблағлар Ахборот тизимига ва маълумотларни қайта ишлаш марказига хизмат кўрсатиш, уларни

техник қўллаб-куватлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, уларни саклаш билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади;

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни саклаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Ўзстандарт” агентлиги ва “Ягона интегратор” МЧЖ мутахассисларидан иборат идоралараро ишчи гурӯҳ томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Куйидагилар:

Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини жорий қилиш схемаси 1-иловага мувофиқ;

Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини жорий қилиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ижро этувчи сифатида Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини жорий қилиш бўйича “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Куйидагилар:

а) Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, жумладан, ахборотлаштириш обьектларини ўрганиш, техник ва лойиҳаолди ҳужжатларни тайёрлаш бўйича – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи давлат тиббиёт муассалари ва дорихоналарни Ахборот тизимиға улаш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, халқаро молия институтлари, хорижий хукуматлар молия ташкилотлари ва донор давлатлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари;

бошқа давлат органлари тизимидағи тиббиёт муассасаларини Ахборот тизимиға улаш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш бўйича – ушбу органларнинг бюджетдан ташқари ўз маблағлари бу борадаги ишларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар бошқа ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш юзасидан зарур чоралар кўрсинг.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сон қарорига асосан

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, алкоголли маҳсулотлар ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими (АМҲИҲАТ) ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

“Ўзшаробсаноат” АЖга АМҲИҲАТни ишлаб чиқиш тақжрибасидан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ягона интегратор” МЧЖга Ахборот тизими лойиҳасининг тегишли ҳужжатларини тайёрлашда, жумладан, “АМҲИҲАТ” лойиҳасининг материалларини тақдим этиш орқали амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот тизимининг тажриба шаклни синовдан ўтказиш натижалари бўйича 2020 йил 20 февралгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ахборот тизимида уланмаган юридик шахсларга фармацевтика маҳсулотларини реализация қилишни тақиқлашни назарда тутган ҳолда, фармацевтика маҳсулотларини етказиб бериш жараёнининг барча иштрокчиларини Ахборот тизимида улашнинг якуний муддатлари, шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш бўйича янги марказни ташкил қилиш ёки фаолият қўрсатаётган марказни кенгайтириш;

Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентга фармацевтика маҳсулотларини ҳисобга олиш, ҳисбот берниш ва идентификациялаш жараёнларини автоматлаштириш ва улар ҳақида зарур ахборотни олиш имконини берувчи мажбурий маҳсус маркировкалар тизимини жорий этиш тартибини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун лицензия талабларига лицензиялар талабгорлари ва эгаларининг Ахборот тизимида уланиш бўйича мажбуриятларини назарда тутувчи ўзгартиришлар;

Ахборот тизимида пулли асосда фойдаланиш тартиби тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда корхоналарнинг Ахборот тизимида ўз вақтида ва тўлиқ уланишини тизимли назорат қилсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўzlари қабул қилган норматив-хуқукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “18” сентябрдаги
738-сон қарорига
1-илова

**Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш
ва ҳисобга олишининг ахборот тизимини жорий қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич (Ўрганиш)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни мувофиқлаштирувчи идоралараро ишчи гурухни тузиш.	2018 йил 1 октябрь
	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, идоралараро ишчи гурух	1. Ахборотлаштириш объектларини Ахборот тизимини жорий этиш юзасидан ўрганиш. 2. Халқаро тажрибани, шу жумладан жойига чиқсан ҳолда ўрганиш.	2018 йил 1 декабрь
2-босқич (Техник ва лойиҳаолди хужжатларни тайёрлаш)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ягона интегратор” МЧЖ, идоралараро ишчи гурух	1. Ахборот тизими Концепциясини ишлаб чиқиш. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиши бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимининг дастлабки техник-иктисодий асосини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.	2019 йил 1 февраль 2019 йил 1 март 2019 йил 10 апрель
	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, идоралараро ишчи гурух	Ахборот тизимининг тажриба шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	2019 йил 1 июль
3-босқич (Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, унга уланиш ва синовдан ўтказиш)	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Синов иштирокчиларини Ахборот тизимига улаш.	2019 йил 1 август
	“Ягона интегратор” МЧЖ, Давлат солиқ қўмитаси, идоралараро ишчи гурух	Ахборот тизими ишини синовдан ўтказиш ва иш жараёнида юзага келган камчиликларни бартараф етиш.	2020 йил 1 февраль

4-босқич (Интеграция)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ягона интегратор” МЧЖ, Давлат солиқ құмитаси, даволаш мұассасалари ва дорихоналари мавжуд бўлган давлат органдари ва бошқа ташкилотлар	Республикада Ахборот тизимини түлиқ жорий этиш учун норматив- хуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш.	2020 йил 20 февраль
		Барча иштирокчиларни Ахборот тизими билан босқичма-босқич интеграциялаштириш.	Норматив- хуқуқий хужжат- ларда белгиланган муддатларда

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “18” сентябрдаги
738-сон қарорига
2-илова

**Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш
ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини жорий қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми/шакли	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини (кейинги ўринларда Ахборот тизими деб аталади) ишлаб чиқиш ва жорий қилишни мувофиклаштирувчи идоралараро ишчи гурухни тузиш.	Идоралараро ишчи гурух таркибини тасдиқлаш	2018 йил 1 октябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солик кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Ахборотлаштириш объектларини Ахборот тизимини жорий этиш юзасидан ўрганиш.	Таҳлилий ҳисбот тайёрлаш	2018 йил 1 декабрь	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, идоралараро ишчи гурух
3.	Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи кодификация, сериализация ва маркировка қилиш бўйича халқаро тажрибани, шу жумладан жойига чиқсан ҳолда ўрганиш.			
4.	Ягона ахборот тизими Концепциясини ишлаб чиқиш.	Концепцияни ишлаб чиқиш	2019 йил 1 февраль	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ягона интегратор” МЧЖ, идоралараро ишчи гурух

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми/шакли	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
5.	Дори воситаларининг фаол моддаларини ва тиббиёт буюмларни сериализациялаш ва маркировкалаш, дори воситаларининг фаол моддаларининг кодификация/классификация тизими ва/ёки халқаро стандартни қабул қилиш ва тасдиқлаш.	Давлат стандарти/ Кодификация/ классификация тизими	2019 йил 1 февраль	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ягона интегратор” МЧЖ, “Ўзстандарт” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
6.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Техник топшириқ	2019 йил 1 март	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ягона интегратор” МЧЖ, идоралараро ишчи гурух
7.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқни экспертизадан ўтказиш.	Эксперт хulosаси	2019 йил 10 март	“Ягона интегратор” МЧЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
8.	Ахборот тизимининг дастлабки техник-иктисодий асосларини ишлаб чикиш.	Ахборот тизимини дастлабки техник- иктисодий асослари	2019 йил 1 апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, идоралараро ишчи гурух
9.	Ахборот тизимининг дастлабки техник-иктисодий асосларини экспертизадан ўтказиш.	Эксперт хulosаси	2019 йил 10 апрель	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
10.	Ахборот тизимининг тажриба шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	Ахборот тизимининг тажриба версияси	2019 йил 1 июль	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, идоралараро ишчи гурух

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми/шакли	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
11.	Синов иштирокчиларини Ахборот тизимига улаш.	Техник тадбирлар	2019 йил 1 август	“Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солик құмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
12.	Ахборот тизими ишини синовдан ўтказиш ва иш жараёнда юзага келган камчиликларни бартараф этиш.	Техник тадбирлар	2020 йил 1 февраль	“Ягона интегратор” МЧЖ, Давлат солик құмитаси, идоралараро ишчи гурӯҳ
13.	<p>Күйидагиларни назарда тутадиган норматив-хуқуқий хужжатни ишлаб чиқыш:</p> <p>барча иштирокчиларни Ахборот тизимига босқичмабосқич интеграциялаштириш;</p> <p>Ахборот тизимига уланмаган юридик шахсларга фармацевтика маҳсулотларини реализация қилишни тақиқлаш муддатларини белгилаш;</p> <p>Ахборот тизимига иштирокчиларнинг мажбурий асосда уланишини хисобға олган ҳолда, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиши бўйича лицензия талабларига ўзгартиришлар киритиш;</p> <p>Маълумотларни қайта ишлаш бўйича янги марказини ташкил қилиш ёки фаолият кўрсатаётган марказни кенгайтириш;</p> <p>Ахборот тизимидан пулли асосда фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.</p>	Норматив-хуқуқий хужжат	2020 йил 20 февраль	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солик құмитаси, Давлат божхона құмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги